




ТОШКЕНТ



XVI сағоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Муборак Йўл-ал-Фитр кириб келиши муносабати билан хорижий давлатларнинг раҳбарларидан самимий дил сўзлари изҳор этилган мактублар келмоқда.
- Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонаси яна бир ноб дурдона билан бойиди. Муборак Рамазон кунларида идора жамоасига Куръони Каримнинг XVIII асрда тилга суви билан ёзилган қўлёзма нусхаси ҳамда VII асрга оид мазкур муқаддас китоб варақлари республика Миллий хавфсизлик хизмати вакиллари томонидан топилди.
- Бухоро вилоят ҳокимлигида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисидаги Кунун ижроси ҳамда тадбиркорлик ҳуқуқига риоя этиш мониторинг масалаларига бағишланган мулоқот бўлди.
- Нукусда қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг семинар-кенгаши ўтказилди.
- Республика таълим марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академияси ҳамда БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг психологик асосларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.
- Термизда яна бир муҳташам бино — Археология музейи барпо этилди. Янги музей қурилишига салкам икки миллиард сўм маблағ сарфланди. Айни шу кунларда бўёдорлар бу ерда сўнгги пардозлаш ишларини олиб боришмоқда.
- Жиззах шаҳридаги «Хотира ва қадрлаш» майдонида Ватан ҳимоячилари кўни олдидан оммавий ватанпарварлик ойлиги ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Урганч шаҳрида яна бир қўша корхона фаолият курсата бошлади. У «Азия-текстиль» деб номланади. Хитой (Гонконг)нинг «Блу Оушен» компанияси 154 минг долларлик техник жиҳозларни инвестиция сифатида қўша корхонага низоом жамғармасига киритди.
- Урганчдаги К. Исмоилов номи вилоят кутубхонасида ноб истеъдод эгаси, шоир, мутафаккир ва моҳир таржимон Муҳаммад Ризо Эрнеёвбек ўғли Оғажий таваллуд топганининг 192 йиллигига бағишланган ижодий мулоқот бўлиб ўтди.
- Республика Олимпия ўринбосарлари коллежининг 40 йиллиги муносабати билан эркин кураш бўйича йигит ва қизлар ўртасида мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Унда 350 нафардан ортиқ йигит ва қиз энг кучли спортчи номини қўлга киритиш учун ўзаро баҳс юрди.
- Жиззахдаги Олимпия ўринбосарлари коллежида бокс бўйича республика ўинчи чемпионати бўлиб ўтмоқда.

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 148 (9.643) 2001 йил 19 декабрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАРДА

- **ЮНУСОБОД** туманидаги «Ўзбектуризм» коллежида талабалар иштирокида ўтказилган «Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш» мавзусидаги давра суҳбати Тошкент шаҳри ҳамда Юнусобод тумани Маънавият ва маърифат марказлари ҳамкорликларида уюштирилди.
- **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетида олимлар иштирокида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида энергия ресурсларини тежаш муаммолари масаласи муҳокама қилинди.
- **РЕСПУБЛИКА** биржа марказида «Депозитарлик тизимларини интеграциялаш. Қимматбаҳо қоғозлар бозорининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусидаги халқаро анжуман ўз ишини якунлади.
- **«АЛП Жамол»** хусусий банки кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга кредит беришда қулайликлар яратилганлигини маълум қилди. Шунингдек, шаҳримизда «Иқбол» ёшлар марказига йиғилганлар ҳам «Ёшларнинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдаги ўрни» мавзусидаги анжуманда иштирок этиб, ўзларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари билан ўртоқлашди.
- **ХАМЗА** туманидаги Паркент бозорида «Миллий ғоя, ватанпарварлик ва тинч-

- лик учун кураш» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетида бўлиб ўтган тил фестивалида Хамза ва Чилонзор туманлари мактабларининг иқтидорли ўқувчилари иштирок этишди.
- **АЙНИ** кунларда пойтахтимиздаги замонавий санъат марказида Ўзбекистон очик жамият институти кўмак жамғармаси ташаббускорлигида расссомчиликнинг ранг-тасвир, графика йўналишидаги миллий унарманлар томонидан яратилган асарлар кўргазмаси намойиш этилмоқда. Ушбу кўргазма 26 декабрга қадар давом этади.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси геология музейига яқинда мамлакатимиз табиий бойликларида хикоя қилувчи янги экспонатлар келтирилди.
- **РЕСПУБЛИКА** шахмат-шашка клубида мамлакатимизнинг иқтидорли ёш шахматчилари иштирокида шахмат мусобақалари ўтказилди.
- **МИРОБОД** туманидаги инглиз тилига ихтисослашган 294-мактабда ўқувчилар иштирокида спортнинг теннис, энгил атлетика, югуриш эстафеталари йўналишларида «Умид нихоллари» мусобақаларининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди.
- **БУГУН** «Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамиятининг маданият саройида шаҳар касабга уюшмалари Кенгашининг «Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остида адабиёт, санъат ва бадиий ҳаваскорлик ижодиёти соҳасида ўтказилаётган кўрик-танлови бўлиб ўтди.

ТАНЛОВЛАР

Ғолиблар аниқланди

«Туркистон» саройида «Ижтимоий ва маркетинг тадқиқотлари» фирмаси ташаббуси билан Бельгия пойтахти Брюссель шаҳридаги ижтимоий ва маркетинг тадқиқотлари фонди ҳамда Европа маркетинг тадқиқотлари марказининг қўллаб-қувватлаши остида илк бор «Ўзбекистонда 2001 йил танлови» юртимиз бозорида энг яхши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича умуммиллий танловнинг финал босқичи бўлиб ўтди.

тиш пастаси деб топилди. «Ригле» компаниясининг «Ригле» сақичи энг яхши сақич, «Интер спан» компанияси қадоклаган «Импра» чойи хорижда ишлаб чиқарилган энг яхши чой, «Тошкент» чойи республикамизда қадокланган энг яхши чой, юридик хизматлар кўрсатувчи «Талера» фирмаси эса энг яхши адвокатлик фирмаси йўналиши бўйича ғолиб бўлди.

Шуни айтиш керакки, мазкур танлов жамоатчилик фикрини ўрганиш ва турли компания ҳамда фирмалар фаолиятини таҳлил қилиш асосида ташкил этилди. Шу тариқа ишлаб чиқариш соҳасининг етакчилари аниқланди. Ўзбекистон бозоридаги энг яхши маҳсулот ва хизматлар маълум бўлди. Танловда эса нафақат мамлакатимиздаги товар ишлаб чиқарувчилар, балки республикамизда фаолият курсатаётган хорижий компанияларнинг ваколатхоналари ҳам қатнашди. Етакчи ишлаб чиқарувчиларни танлашда эса савдо ҳамми

эмас, нарх-наво ва маҳсулот ҳамда хизматларнинг сифати мутаносиблиги бош мезон вазифасини ўтади. Финал босқичи давомида тўққизта йўналиш бўйича энг етакчи ишлаб чиқарувчилар аниқланди. Бунда 1837 йили АҚШда ташкил этилган, Ўзбекистонда 1994 йилдан буён ўз сифатли маҳсулотлари билан маълум машҳур «Проктер энд гамбл» компанияси товарлари кўпгина йўналишларда етакчилик қилди. Хусусан «Пантин прови» йилнинг энг яхши шампуни, «Ариэли» энг яхши кир ювиш воситаси, «Блендомед» энг яхши

БУНЁДКОРЛИК

Биринчилари тайёр

Янги иншоотлар, замонавий кўп қаватли уйлар бугунги кунда пойтахтимиз ўткир оилалар учун ажойиб совға бўлмоқда. Пойтахтимизнинг генерал Узоқов кўчасида ана шундай кўркем уйлардан 11 тасини қуриб, кичик даҳа ташкил этиш режалаштирилган.

Янги йил арафасида эса «Ўзуйқойжамғармабон»и буржтмаси асосида қурилаётган ана шу турар жой биноларининг биринчилари — 1- ва 2-уйлар фойдаланишга тахт қилиб қўйилмоқда. Охири пардозлаш юмушлари олиб борилаётган ушбу уйларни бош пудратчи 4-трестга қарашли 19-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қуриб битказишди. Уларга «Минор-қурилишсервис» трести ҳамда 3-механизация бошқармаси ишчи-хизматчилари яқиндан ёрдам бердилар.



Шуниси қувонарлики, фойдаланиш мўлжалланаётган иккита уйнинг ҳар бири 16 тадан оилаларга мўлжалланган бўлиб, улар 2, 3 ва 4 хоналидир ва яшаш учун барча қулайликлар мавжуд бўлади. 4 хонали хонадоннинг умумий майдони 165 квадрат метрни ташкил этади. Яшаш хоналаридан ташқари кенг ва ширин ошхона, 3 та айвонга эга. Бу ерда меҳнат қилаётган қурувчилар нафақат ички пардоз ишларига, балки уйнинг ташқи кўриниши гўзал бўли-



ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Республикада ягона

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Алтротмарк» Ўзбекистон — Австрия қўша корхонаси республикамизда ногиронлар аравачаси бўлиб чиқарилган ягона жамоа ҳисобланади.

Ушбу корхона шериклар билан ҳамкорликда 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, бу ерда 50 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Маҳаллий хом ашёдан сифатли ва рақобатбардор маҳсулот тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарила-

ётган ногиронлар аравачалари ҳамда касалхоналар учун турли жиҳозлар бугунги кунда ўз харидорини топган. — Албатта, ўз маҳсулотларимизнинг талаблар даражаси бўлиши, ногиронларга хизмат кўрсатишда ихчам ва қулайлигига алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди корхона раҳбари Сергей Александров. — Жорий йилда 1000 та ногиронлар аравачаси ишлаб чиқариб, буюртмаларни ўз вақтида адо этдик. Келгусида эса австриялик шерикларимиз билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, янги маҳсулот турларини яратиш, ишлаб чиқариш ҳамини ошириш ва хориждан ҳам харидорларни жалб этиш ниятидамыз. Бунинг учун мутахассисларимиз излашни билан иш юритишмоқда. Биз қалби ўқсик инсонларга озгина бўлсада ўз маҳсулотларимиз билан тирмак бўлаётганимиздан ҳаминча руҳланиб меҳнат қилаёмиз. (Ўз муҳбиримиз)

«Тошкент оқшом» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг пойтахтида, жаҳонда рўй бераётган энг сўнгги янгиликларни тезкор усулда ёритади, ўзингиз севиб ўқийдиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олади. Шундай экан, юқорида таъкидлаганимиздек, вақтни бой бермай севибмаз газетамизга обуна бўлишга шовиланг. Шундай қилсангиз 2002 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради.

САНЪАТ

Ҳисобот концерти

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг катта зали мусиқа санъати ихлосмандлари билан гаважм бўлди. Бунда оркестр дирижёрлиги кафедрасининг ассистент-амалиётчиси Илёс Қувватовнинг ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Концертда Ўзтестрадиокомпаниясининг Дони Зокиров номидаги оркестрига Илёс Қувватов дирижёрлик қилди. Шунингдек, концертда оркестр жўрлигида «Ниҳол» мукофотининг совриндорлари, хонандалар С.Мамадалиева, Г.Обидова, созаанда Ҳ.Саъдуллаевлар қатнашиб, ўзларининг ижрочилик маҳоратларини намойиш этидилар. Концертда таниқли бастакорлар Фарҳод Алимов, Фуқун Қурбонов, М.Ашрафий, В.Моцарт ва бошқаларнинг асарлари ҳам оркестр жўрлигида ижро этилди. Азамат ШОКИРОВ



«Оқшом» — доимий ҳамроҳингиз, дилкаш суҳбатдошингиз

Чиндан ҳам шундай, қадри «Оқшом» муштарийлари. Шу кунларда ўзингиз севиб ўқийдиган «Тошкент оқшом» газетасига 2002 йил учун обуна якунлаш деб қолди. Сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севибмаз нашрингизга обуна бўлишга шовиланг. Газетамизга бўлган меҳр-муҳаббатингиз, садоқатингиз учун сизларга самимий ташаккур билдирган ҳолда, шу кунларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларида газетамизга обуна расмийлаштирилаётганлигини ана бир бор эслатиб ўтамиз.

«Тошкент оқшом» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг пойтахтида, жаҳонда рўй бераётган энг сўнгги янгиликларни тезкор усулда ёритади, ўзингиз севиб ўқийдиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олади. Шундай экан, юқорида таъкидлаганимиздек, вақтни бой бермай севибмаз газетамизга обуна бўлишга шовиланг. Шундай қилсангиз 2002 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради.

«Тошкент оқшом» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг пойтахтида, жаҳонда рўй бераётган энг сўнгги янгиликларни тезкор усулда ёритади, ўзингиз севиб ўқийдиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олади. Шундай экан, юқорида таъкидлаганимиздек, вақтни бой бермай севибмаз газетамизга обуна бўлишга шовиланг. Шундай қилсангиз 2002 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради.

«Тошкент оқшом»нинг қашқадарёлик муштарийлари

Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида 2002 йилги обуна ишлари қизгин давом этмоқда. Кўплаб ташкилот, идора, ҳўжаликлар бу долзарб вазифани амалга ошириб бўлишди. Чунки матбуотнинг қадрига етган, уни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришни истаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона сабаб бўла олмайдми. Шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмасдан кейинги йил учун обунани расмийлаштиришди. Ана шундай газетая ва журнал ихлосмандлари Қашқадарё вилоятининг Баҳористон туманидаги Амир Темур номи ширкат

ҳўжалигида ҳам кўплаб топилди. — Мамлакатимизда, шу жумладан вилоятимиз ҳамда туманимизда чоп этиладиган газетая ва журналлар қаторида «Тошкент оқшом»га ҳам обуна бўлди, — дейди ширкат раҳбари Даврон Отахонов. — Чунки мамлакатимиз пойтахтидаги бугунги ўзгаришларнинг бориши, янгиликлардан хабардор бўлиш бизни ҳам қизиқтиради. Насиб этса 2002 йилдан бошлаб биз ҳам «Тошкент оқшом» газетасини ўқий бошлаймиз. Акбар АЛЛАМУРОВ СУРАТДА: Қашқадарё вилоят Матбуот тарқатиш уюшмаси масъулияти чекланган жамият сотувчиси Назир Очилова 2002 йил учун нашрларга обуна кезларида фаоллик кўрсатганлардан биридир. Муаллиф олган сурат.



